

Муродов Ч.

ЎзР ВМ ҳузуридаги Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти бош илмий ходими, и.ф.д.;

Ҳасанов Ш.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқарув” кафедраси доценти;

Муродова М.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

АГРОКЛАСТЕР: ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

МУРОДОВ Ч., ҲАСАНОВ Ш., МУРОДОВА М. АГРОКЛАСТЕР: ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада агрокластернинг иқтисодий моҳияти, ташкил этиш зарурияти ва ривожлантириш тамойиллари, шарт-шароитлари, босқичлари ва самарадорлигини аниқлашга оид назарий қарашларни ўрганиш асосида такомиллаштирилган ва кенгайтирилган таърифи ишлаб чиқилган, унинг умумий хусусиятларини тизимлаштириш асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари аниқланган.

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги трансформацияси, модернизациялаш, агрокластер, институционал муҳит, рақобатбардошлик, агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери, фермер ва деҳқон хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар, интеграция, инновация, инфраструктура, экспорт.

МУРОДОВ Ч., ХАСАНОВ Ш., МУРОДОВА М. АГРОКЛАСТЕР: НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ.

В статье на основе изучения теоретических взглядов экономической сущности, необходимости, принципов развития, условий, этапов и оценки эффективности разработаны расширенные и усовершенствованные определения агрокластера, а также, на основе систематизации общих особенностей определены основные направления государственной поддержки.

Ключевые слова: трансформации сельского хозяйства, модернизация, агрокластер, институциональная среда, конкурентоспособность, предпринимательский агрокластер в агропромышленном комплексе, фермерские и дехканские хозяйства, перерабатывающие предприятия, интеграция, инновация, инфраструктура, экспорт

MURODOV CH., HASANOV SH., MURODOVA M. AGRO CLUSTER: RESEARCH BASICS OF CREATION.

In the article based on the study of theoretical views of economic entities, necessities, principles of development and conditions, stages and evaluation of efficiency, developed extended and advanced definition of agro cluster as well as on the basis of ordering general features identified the main directions of government support.

Keywords: transformation of agriculture, modernization, agro cluster, institutional environment, competitiveness, entrepreneurial agro cluster in agribusiness complex, farmers and peasants (dekhkans), processing enterprises, integration, innovation, infrastructure, export.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг трансформацияси жараёнларида бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ички ва ташқи тенденциялар – дунёда ва мамлакатларда озиқ-овқат муаммоларининг кескинлашуви шароитида қишлоқ хўжалиги ривожланиши стратегик аҳамиятининг ортиши, мустақиллик йилларида республикамизда ушбу тармоқда тўпланган ижобий тажрибаларни жаҳон хўжалигида эришилган сўнги илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришни талаб этади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экин майдонларининг деградацияси ва сув ресурслари тақчиллиги билан боғлиқ бўлган салбий тенденцияларни объектив баҳолашни ҳисобга олиш зарурияти юзага келди.

Республика ички ва ташқи бозорларни сифатли ҳамда харидоргир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – мева-сабзавот, полиз экинлари билан таъминлаш бўйича улкан имкониятларга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, мустақиллик йилларида, асосан, 2006 йилдан сўнг Ўзбекистонда аҳолини маҳаллий қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Айнан шунинг учун, республикамизда ушбу маҳсулотлар навларини яхшилаш, экин майдонлари ва хом ашё ҳажмларини кенгайтириш, қайта ишлаш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиб, мавжуд боғ ва узумзорларнинг кимошди савдосида сотилиши ва боғлар жойлашган ер майдонлари узоқ муддатли ижара асосида фермерларга бириктирилиши боғдорчилик соҳасида ҳам фермер хўжаликларининг кенг ривож топишини таъмин этди.

Аммо боғдорчилик йўналишида ташкил этилган фермер хўжаликлари ўлчамларининг жуда кичиклиги (ўртача 1,50–2,5 га) сабабли, йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида битта ширкат хўжалиги ўрнида 300–400 фермер хўжалигининг пайдо бўлиши билан етишти-

рилган маҳсулотни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, моддий-техника таъминоти борасидаги фермерлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳудуддаги бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, қайта ишловчилар, савдо ва транспорт тармоғи корхоналари томонидан ихтиёрийлик асосида агросаноат фирмалари ташкил этилди.

Янгидан ташкил этилган боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга; фермер хўжаликлари, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари иштирокида ихтиёрийлик асосида янгидан ташкил этилган агросаноат фирмалари эса даромад (фойда) солиғи тўлашдан, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинди.

Айни пайтда бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, янги боғ ва узумзорлар яратиш ва кенгайтиришга йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ушбу тадбирлар янги боғ ва узумзорлар барпо этилишини ҳамда мавжудларининг ҳосилдорлигини оширишни, агросаноат фирмалари ташкил қилишни рағбатлантирувчи муҳим иқтисодий омил вазифасини ўтади.

Айни пайтда, амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирларга қарамай, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини барра ҳолида керакли миқдорда ва сифатли тарзда аҳолига етказиб бериш учун ишлаб чиқариш, йиғиштириб олиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ҳамда ички ва ташқи бозорда сотиш билан боғлиқ қатор камчиликлар,

муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

қайта ишлаш учун зарур миқдордаги хом ашёнинг етишмаслиги ва ўз вақтида таъминотининг йўлга қўйилмаганлиги (7–35% таъминланган);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари томонидан паст нархларда сотиб олиниши натижасида улар моддий манфаатдорлигининг пастлиги;

маҳсулотни йиғиштириб олишда хом ёки ўта пишиб кетганларини йиғиш, йиғиштириб олиш технологиясига риоя қилмаслик, эзилганларининг йиғиш ҳоллари мавжудлиги натижасида сифатининг бузилиши;

маҳсулотларни ташишда махсус техникаларнинг етишмаслиги натижасида сифатининг бузилиши ва исрофгарчиликка йўл қўйилиши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун махсус омборхона бинолари ва музлаткичларнинг етишмаслиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил қилиш учун ресурслар – қисқа ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар таъминотининг кенг йўлга қўйилмаганлиги;

қайта ишлаш корхоналарининг мавжуд хом ашё ресурсларига кўра оптимал жойлашмаганлиги;

қайта ишлаш корхоналарига сув, газ ва электр энергиясининг ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб берилмаслиги ҳамда таъминотидаги мунтазам равишда содир бўладиган узилишлар натижасида маҳсулотларнинг бузилиши ва корхоналарнинг тўла қувватда бир меъёрда ишламаслиги;

қайта ишлаш корхоналари технологияларини юритиш ва улардан фойдаланишда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда ушбу соҳага кадрлар тайёрлашнинг коллежлар ва олий ўқув юртларида кенг йўлга қўйилмаганлиги;

қайта ишланган маҳсулотларни қадоқловчи, турли ҳажмдаги ва дизайндаги шиша идишларни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилмаганлиги ва уларнинг етишмаслиги;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларини кенг реклама қилишнинг йўлга қўйилмаганлиги.

Шунинг учун ҳам ушбу жараёнларнинг маълум даврдаги ривожланиш тенденцияларини комплекс тарзда чуқур таҳлил этиш, аниқ сабабларини ўрганиш ва бу борадаги мавжуд имкониятларни аниқлаш келажақда ушбу соҳа самарадорлигини ошириш ва ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб модернизациялашни амалга ошириш ҳисобланади. Модернизациялаш, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг истиқболли рақобатбардош моделини яратишни, унинг мақбул ижтимоий таркиби ва қишлоқ хўжалиги субъектларини бозор тамойилларига мос ташкилий турларини шакллантиришни тақозо этади. Авваламбор, ушбу йўналишда давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида фаолият юритаётган турли хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш ва ролини оширишнинг янги институционал муҳитини яратишда агрокластерларни ташкил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бироқ агрокластернинг иқтисодий моҳияти, ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари, шарт-шароитлари, босқичлари ва самарадорлигини аниқлаш борасидаги кенг қамровли назариясининг тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида турлича ёндашувлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, бевосита агрокластер билан боғлиқ бўлган назарий қарашларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Кластер” атамаси, инглиз тилидан «cluster» сўзини таржима қилинганда, бир қанча бир хил элементларнинг бирлашуви, тўпланиши, гуруҳ маъноларида ва маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил бирлик сифатида, дастлаб математикада ва, аксарият, табиий фанларда ишлатилган. 1970 йилларда иқтисодиётда швед иқтисодчилари К. Фредрикссон ва Л. Линд-

марклар¹ чегараланган ҳудудда корхоналарнинг тўпланишини белгилашда кластер атамасидан фойдаланганлар.

Илмий жараёнга 20-асрнинг 80-йилларида М. Портер томонидан “кластер” атамаси иқтисодий категория сифатида киритилган. Унинг фикрича, кластер – маълум соҳада фаолият кўрсатаётган компания ва институтларнинг географик жиҳатдан тармоқлараро бирлашуви² ҳисобланади.

Бевосита агрокластернинг моҳияти А.А. Настин томонидан атрофлича асосланган. Жумладан, унинг таърифича, “агрокластер бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишда бирлашиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари – оилавий ферма, фермерларнинг кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматларидан иборат бозор субъектлари тизими”³дан иборат.

Агрокластерлар ўзининг иқтисодий мазмунига кўра агросаноат мажмуида тадбиркорлик агрокластери тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам, назарий жиҳатдан унинг иқтисодий категория сифатида талқин этилиши агрокластернинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. Жумладан, А.В.Глотка томонидан берилган таърифда “агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери – ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интегра-

цион тузилма”⁴ тарзида баён этилган бўлса, Р.Р.Тохчуков эса, янада аниқроқ тарзда, “тадбиркорлик агрокластери – пировард натижаси синергетик самара олиш ҳисобланган ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнларни ягона такрор ишлаб чиқариш тарзида мужассамлаштирган турли фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларни бирлашуви”⁵дан иборат эканлиги сифатида таърифлайди.

Шунингдек, Э.Галвес-Ногалес агрокластерни содда ҳолда ифодалаб, “маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва институтларнинг умумий манфаат олиш ва имкониятларни кашф этиш йўлида расмий ёки норасмий тарзда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро боғланиши ва тармоқлараро алоқаларни ўрнатишидир” дея таъкидлайди⁶.

Ушбу назарий таърифларни янада такомиллаштирган ва кенгайтирган ҳолда умумлаштириб, “агрокластер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектла-

¹Spatial analysis, industry and the industrial environment. Progress in research and applications. Vol. 1. Industrial systems / Edited by F.E.I. Hamilton and Linge G.J. R.Chichester, N. Y. Brisbane, Toronto: Wiley, 1979.

² Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>

³ Настин А.А. Сельскохозяйственный кластер Дании. // «Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий», 2011, №4. – С. 45.

⁴ Глотко А.В. Инновационно-кластерная развития АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием “Проблемы и перспективы государственного, правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации” 3–4 октября 2008 г., Горно-Алтайский, РИО ГАГ. –С.104.

⁵ Тохчуков Р.Р. Предпринимательский агропромышленный кластер: теоретические основы создания и функционирования в системе АПК. // Современные научные исследования: электронный научный журнал, 19 апреля 2012 г., рубрика: “Экономика”. <http://www.snivak.ru/info@sni-vak.ru>

⁶ Galvez-Nogales, Eva. Agro-based clusters indeveloping countries: staying competitive ina globalized economy. Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO). Rome, 2010.

Агрокластерларнинг умумий хусусиятлари

Кўрсаткичлари	Мазмуни
Ташкил этишдан мақсади	Инновация алоқаларини ривожлантириш, ихтисослашуви ва жойлашуви орқали бозор субъектларини бир-бирларига яқинлашишлари эвазига алоҳида тармоқлар ёки минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш
Алоқаларнинг турлари ва хусусиятлари	Вазифалари, бозор, минтақавий ва тармоқлар ўртасида
Самарали тизимнинг шаклланиши (усуллари)	Бозор муносабатлари ва механизмлари таъсирида, давлат-хусусий корхоналар ҳамкорлигини мақсадли ташкил этиш, агрохолдинглар ва қўшма корхоналар ҳамда алоҳида иқтисодий ҳудудлар тузиш
Иқтисодий асоси	Инновацион ишлаб чиқариш, технопарклар, ягона технологик жараёнларга эга бўлган ишлаб чиқариш ва тармоқлар
Институционал хусусиятлари	Давлат стратегияси объекти, шу жумладан, инновация соҳасида
Ташкил этиш ва бошқариш усуллари	Стратегик ва индикатив режалаштириш, мақсадли-дастурий ёндашув, лойиҳа усуллари
Назарий асослари	М.Портер рақобат назарияси, тизимли ёндашув асослари, "ўсиш доираси" концепцияси ва бошқалар
Иқтисодий тизими	Бозор иқтисодиёти
Чегаралари	Белгиланган ҳудуди чегараланмаган, аналитик усуллар орқали аниқланади

ридан таркиб топади", деган хулосага келиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибасининг ижобий натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардош ривожланишининг самарали омилларидан бири агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Агрокластерларнинг умумий хусусиятларини тизимлаштириш орқали улар фаолиятининг барча кўрсаткичлари бўйича кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бу борада иқтисодчи олим А.И.Скиба томонидан агрокластерларнинг умумий хусусиятлари бўйича тизимлаштирилишига оид ишланмалари¹ муҳим аҳамиятга эгадир.

Агрокластерларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашда давлат бевосита иштирок этиши лозим. Хусусан, М.Портер томонидан асосланган агрокластер унинг тўртта рақобат устуворлиги: "ромб модели чўққилари" –

«Diamond»² орқали қўллаб-қувватланади. Яъни:

1. Ишлаб чиқариш омиллари (табiiй, меҳнат ресурслари, капитал, бозор инфратузилмаси, қонунчилик тизими, маълумотлар инфратузилмаси, фан-техника ва технологик жараёнлар).

2. «Талаб» (истеъмолчининг талаби, унинг эҳтиёжи).

3. «Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар» (рақобатбардош таъминловчилар ва турдош тармоқлар).

4. «Фирма стратегияси, рақобат» (инвестиция, фирмаларнинг доимий ривожланиши ва улар ўртасида кучли рақобатни рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсат).

Шунингдек, давлат томонидан "кластер сиёсати" бевосита бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта йўналишда амалга оширилиши лозим, яъни инновациялар учун тўсиқларни бартараф этиш, инсон капитали ва инфратузилмага инвестицияларни йўналтириш ва агрокластер иштирокчиларининг географик жиҳатдан тўпланишини қўллаб-қувватлаш.

¹ Скиба А.И. Кластеры: Реализация системного принципа в пространственно-институциональной организации производства. // Ж. "Региональная экономика: теория и практика", 2011, № 10 (193). –С. 31.

² Портер М. Международная конкуренция / Пер. с англ. – М.: «Международные отношения», 1993. –с. 898.

Агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, авваламбор, назарий жиҳатдан бир хил гуруҳлар объектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра, кўп ўлчовли статистик жараёнлар жамланмаси таҳлиллари амалга оширилади. Методологик жиҳатдан эса, кластерлар ҳудудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларининг ўзаро алоқаларини акс эттиради. Ниҳоят, амалий жиҳатини, кластер иштирокчилари – қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижалари ташкил этади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

- тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

- турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги кабилар.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ўз атрофига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда агрокластерларни шаклантиришда уч хил ёндашув мавжуд, жумладан:

- минтақалар маъмурияти мутахассислари, агрокластерни ташкил этишдан манфаатдор бўлган ва реал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлган ташкилотлар асосида кенгайтирилган ишчи гуруҳларини ташкил этиш;

- хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш орқали давлат ва маҳаллий

бошқарув ташкилотларининг минтақаларда фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари, маслаҳат фирмалари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги;

- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун агрокластерлар янги институционал бирлик бўлганлиги учун ҳам, махсус давлат ташкилоти, масалан, Иқтисодий ривожлантириш агентлиги ёки Ўзбекистон шароитида савдо-саноат палатаси, Республика Фермерлар кенгаши томонидан амалга оширилиши, бунда, таъсисчилар сифатида давлат томонидан минтақалар ташкилотлари (кўчмас мулк ва бошқа мулклар билан таъминлаши), маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари (туман ҳокимлиги), қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар), илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, қайта ишловчи корхоналар, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ва маҳсулотни сотувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиши мумкин.

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири – унинг иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш, илмий тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритиш субъектлари ҳамда тармоқда улар ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этишдан келиб чиққан ҳолда агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналишни амалга ошириш бугунги кунда аграр сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратувчи соҳалар билан ўзаро алоқаларининг кенг йўлга қўйилмаганлиги рақобатбардош, чуқур қайта ишланган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш каби бошқа соҳаларнинг

ҳам фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни миллий анъаналарни замонавийлаштирган ҳолда давом эттириш, ҳудудларнинг табиий жойлашуви бўйича ўзига хос рақобатбардош ва ички ҳамда ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашуви (пахта хом ашёси, Қува анори, Олтиариқ труфи, Бахмал ва Жомбой олмаси, Фарғона водийсидаги етиштириладиган мевасабзавотлар ва ҳ.к.), қишлоқ хўжалигининг турли маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мулкдорларнинг мавжудлиги (фермер ва деҳқон хўжаликлари), қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи,

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг маҳсулотларини қайта ишловчи, сотувчи ва турли йўналишда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро интеграцион жараёнлар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи юқори инновацион даражага эга бўлган корхоналар, тармоқ билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик ва рақобатга тайёрлиги, қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг бозор тамойилларига мос ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг шаклланганлиги, хизмат кўрсатувчи кенг қамровли инфратузилма ва юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги ушбу номутаносибликларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Galvez-Nogales, Eva. Agro-based clusters in developing countries: staying competitive in a globalized economy. Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO). Rome, 2010.
2. Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>
3. Spatial analysis, industry and the industrial environment. Progress in research and applications. Vol. 1. Industrial systems / Edited by F. E. I. Hamilton and Linge G. J. R. Chichester, N. Y, Brisbane, Toronto: Wiley, 1979.
4. Глотко А.В. Инновационно-кластерная развитие АПК. Материалы межрегион. научно-практ. конф. с междунар. участием "Проблемы и перспективы государственно-правового, экономического и социального развития субъектов Российской Федерации. 3–4 октября 2008 г. Горно-Алтайский, РИО ГАГ. –С.104.
5. Настин А.А. Сельскохозяйственный кластер Дании. // "Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий", 2011, №4. –С. 45.
6. Скиба А.И. Кластеры: реализация системного принципа в пространственно-институциональной организации производства. // Ж. "Региональная экономика: теория и практика", 2011, 10, (193), –С. 31.
7. Тохчуков Р.Р. Предпринимательский агропромышленный кластер: теоретические основы создания и функционирования в системе АПК. // Современные научные исследования: электронный научный журнал, 19 апреля 2012 г., рубрика: "Экономика". <http://www.sni-vak.ru/> info@sni-vak.ru